



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 10 май, № 91 (5258)

Сешанба

БУ БУЮК ВАТАНДА ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА – МУҚАДДАС

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.



Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун. Ана шу эзгу мақсад истиқлол йилларида ҳаётимизда мустақкам ўрин эгаллади, изчил ислохотларнинг, юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош йўналиши сифатида ҳамюртларимиз ҳаётида ўзининг мустақкам ифодасини топди. Зотан, бугун Ўзбекистон инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, қадр-қиммати улуғланадиган буюк мустақил давлатга айланди.

Хотира ва қадрлаш — халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ ғазилатларидан. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғидадир. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларга, жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуруний момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъна-мазмун билан бойиди.

Бу жиҳатлар юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда, она-дўстларимиз, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи юртдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиромда янада аққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда қабул қилинган

«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармонга мувофиқ, барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб ватандошларимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтирди.

— Бугун бутун халқимиз 9 май санасини — фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 66 йиллик байрамини кенг нишонламоқда. Бу кутлуғ сана билан, авваламбор, сафимизда соғ-омон яшаб келаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам фахрийларимизни, барча-барча юртдошларимизни чин қалбимдан савийи табриклиман, — деди Ислон Каримов. Маълумки, 1999 йилдан 9 майни

юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз.

Хотира, қадр деган тушунчалар азал-азалдан эл-юртимизнинг тафаккури, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келади. Ўзини, ўз эл-юртининг ўтмишини, тарихини эсламайдиган, билмайдиган, ўз хотирасида сақламадиган яшайдиган одам боласини, онгли инсонни тасаввур қилиб бўлмайди.

Хотира деганда, барчамиз қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган муқаддас туйғунни тушунамиз. Чиндан ҳам, ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини ёд этиш халқимиз учун асрлар давомида эзгу анъана, эзгу одатга айланиб қолган.

Тарихий хотира — бу, аввало, ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир, деди давлатимиз раҳбари. Узок-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшаш демакдир. Ўз болалари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига ажодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиром туйғуси билан яшашни сингдириш демакдир.

Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари эл-юртимиз хотирасида умрбод сақланади. Кўпни кўрган, жафокаш халқимиз бу урушда не-не асл фарзандларидан, оиланинг таянчи ва суяничи бўлиши қанча-қанча навқирон ўғлонларидан жудо бўлган, деди Ислон Каримов.

Агар уруш арафасида Ўзбекистон-

да 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроги қўлига қурол олиб, жангу жадалларда қатнашган. Ва бу дахшатли қирғинда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, эришилган Ғалабанинг қадр-қиммати нечоғли баланд экани, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшгани аққол аён бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигини истардим, қолаверса, талаб қилардим, деди Президентимиз.

Ишончим комил, бу мард ва жасур юртдошларимиз қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало, фашизм балосини юртимиз остонасига йўлатмаслик учун, ўзининг ота-онаси, суякли ёри, азиз фарзандлари, ёру дўстларини, эл-юртини ҳимоялаш, асраш учун жангга кирган, жон фидо қилган.

Шунинг учун ҳам бу дахшатли уруш етказган оғир жароҳат, битмас яра бўлиб, ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди. Юртимизда бирон-бир оила, бирон-бир хонадон йўқки, кимдир бу урушда қатнашмаган бўлсин, бу уруш уларнинг бошига қулфат келтирмаган бўлсин. Бу мудҳиш қирғин туфайли қанча аскарлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, қанча аёллар бева, минглаб болалар етим бўлиб қолган.

Табийки, ҳар бир оила жанг майдонларида қурбон бўлганларни, бедарак кетганларни, ўз аждодининг хотирасини қанча йиллар ўтса ҳам армон билан эслайди.

Бугун пойтахтимизда, вилоят, шаҳар ва туман марказларида барпо этилган мана шундай гўзал Хотира майдонларида урушда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлар, фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган матонатли инсонларнинг азиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Бир сўз билан айтганда, хотира туйғусининг асл маъноси бугунги тинч-осуда, эркин ҳаётга биз осонликча эришмаганимизни, бу ёруғ кунлар осмондан тушмагани, қандай оғир машаққат билан қўлга киритилганини доимо эслатишни ифода этади.

Бугунги айёмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бир-биримизни, авваламбор, сафимизда тетик бўлиб юрган уруш қатнашчиларини қадрлаб, уларга меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 600 дан ортиқ уруш қатнашчиси ҳаёт кечирмоқда. Муҳтарам фахрийларимизнинг ҳаётини мазмунли қилишга, умрини узайтиришга қўлимиздан келганча ҳисса қўиш, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар кун, ҳар соатда ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш барчамиз учун, авваламбор, раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак, деди Юртбошимиз.

Хотира ва қадрлаш маросимининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у барчамизни бугунги нотинч ва таҳликал дунёда доимо сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинч-осойишта ҳаётимиз-



нинг, мусаффо осмонимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Шу маънода, дунёнинг айрим мамлакатларида бугун қандай низо ва қарама-қаршиликлар пайдо бўлаётганини унутмаслигимиз даркор. Мисол учун, мана, ён қўшнимиз — Афғонистонда 30 йилдан буён уруш давом этмоқда.

Биз бундай нотинчликлардан тегишли хулосалар чиқаришимиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчликни, миллатлараро тотувликни янада мустақамлашимиз керак. Халқимизнинг энг катта бойлиги — бағрикенглик, меҳр-оқибат. Биз бу бағрикенгликни, меҳр-оқибатни доимо асраб-авайлашимиз зарур.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳақида гапирганда, бу йўлда бизнинг таянчимиз, суянчимиз бўлган ёшларни миллий ғоямиз руҳида, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш — ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашганимда, кунни кеча у ерда бўлиб ўтган “Баркамол авлод” спорт ўйинларини телевидение орқали кузатганда кўпчилик қатори мен ҳам кўзлари ёниб, ғайрат-шижоатга тўлиб турган навқирон ўғил-қизларимизга боқиб, катта гурур ва ифтихор туйғусини ҳис этдим, деди давлатимиз раҳбари.

Энг замонавий билимга, кенг дунё-қарашга эга бўлиш, ўз қадр-қиммати-

ни англаш, ҳеч қимдан кам бўлмасликка, маррани баланд қўйиб яшашга интилиш фарзандларимизнинг ички дунёсига тобора сингиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, барча уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги кутлуғ байрам билан яна бир бор табриклайман. Барча ватандошларимизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайман, деди Ислон Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу кунни анвойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомига қадр юрт тинчлиги ва озодлиги, фарзандларининг порлоқ истиқболлари учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат баҳо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Президентимиз Ислон Каримов шу кунни пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубонасининг янги биносига амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилаётган ушбу бино архитектуравий муҳандислик ечимига кўра ноёб иншоотдир.

— Ушбу иншоот бугунги ва келажақ авлодларга хизмат қиладиган даражада мустақкам ва муҳташам бўлмоғи зарур, — деди Юртбошимиз.

(Ў.А.)

Сарвар ЎРМОНОВ
олган суратлар.

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу, хотира барҳаёт. Тарихий хотирасиз келажақ йўқ, деб бежиз айтилмаган. Аждодлар хотирасига эҳтиром кўрсатган халқнинг бугуни фаровон, эртаси ёруғ бўлади.

Истиқлол, энг аввало, инсон қадрини, қадрини баланд этди. Эзгу ишга эш бўлиб яшаган инсон эъзоз топадиган давр келди бугун! Шу боис 9 май мамлакатимизда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Бу йил ҳам мазкур байрам юртимизнинг барча гўшаларида катта тантана билан ўтказилди.

Хусусан, **КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**да ҳам Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Тадбирга йиғилган уруш ва меҳнат фахрийларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ерниязов кутлади.

Тантанали тадбирда қатнашган вазириликлар, ташкилотлар ва муассасалар вакиллари Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг тадбирлар Шимоли-

Фарбий ҳарбий округида давом этди. Бу ерда ёзилган байрам дастурхони атрофида йиғилган нурунийлар тарихга айланган ўша суронли давр хотираларини ёдга олишди, бугунги дориламон кунларга шукроналар айтишди.

НАМАНГАН вилоятида бугун 180 мингдан зиёд фахрийлар умргузаронлиқ қилишмоқда. Ўз меҳнати билан юрт равнақиға ҳисса қўшиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган бу кишиларнинг барчаси эъзоз-да. Иккинчи жаҳон урушида ишти-

рок этган фахрийларнинг 509 нафарига, айниқса, алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилмоқда. Кеча вилоят марказидаги Хотира майдонида номлари зарҳал харфлар билан мангуға муҳрланган 37 минг уруш қатнашчиси хотирасига эҳтиром кўрсатилди. Маҳаллий ҳокимият, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокидаги бу маросимда майдондаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

— Инсон қадрини унга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан янада юксалади, — дейди Наманган шаҳрида яшовчи уруш фахрийси Самсоқжон ота Низоимов. — Президентимизнинг байрам муносабати билан эълон қилинган фармонига кўра, 300 минг сўмдан мукофот олди. Кунни кеча республика “Дори-дармон” акциядорлик компаниясининг вилоятдаги вакиллари махсус дори-дармон қутисини олиб келишди. Бугун эса Хотира майдонида

тенгдошларин билан дийдорлашдим, хотиралар жонланди...

9 май кунини тонг саҳардан **БУХОРО** шаҳридаги Хотира майдони уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ёшлар билан гавжум бўлди. Бу ерда ҳам дастлаб Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

— Тинчлик — бебаҳо неъмат, — дейди Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида яшовчи уруш қатнашчиси Жума Очилов. — Шу кунларга етказганига шукр. Юртбошимизнинг биз, кекса авлод вакиллариға кўрсатилган эътибори, ғамхўрлигини ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб турибмиз. Қайга бормайлик, ўрнимиз уй турида. Илоҳим, мустақиллигимиз абадий, Президентимиз омон бўлсин.

Шу кунни марказий истироҳат боғида Ватанимиз истиқлоли, юрт тинчлиги ва фаровонлиғига шукроналар қилиб, кексалик гаштини сураётган уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрамона безатилган дастурхон ёзилди.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат куриш мақсадида “Ўзбек модели” деб ном олган ўзига хос тараққиёт йўлини танлади. Бу йўлда ислохотларни амалга оширишнинг тамойилларидан бири сифатида қонун устуворлиги принципи эътироф этилди ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда олиб борилди.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга

Мазкур тамойил, албатта, ислохотларни амалга оширишда тегишли ҳуқуқий механизм-ларни яратиш, зарур

ча томонидан бир хилда ва аниқ тушунилишга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, исло-

лат органлари қонун ижод-қуқий асосини белгилайди-ган нормалар яратилади ва улар муайян бир қолиғга келтирилиб, кейинчалик норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилинади.

хотларни амалга ошириш жараёнида бозор иқтисоди-ётининг шаклланиши ва ривожланишига, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳа-ларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик базаси яратилди.

Шу ўринда тегишли дав-

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик йилларида аждоқларимиз тафаккури ва заковати билан яратилган қадимги тошёзув ҳамда битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб бугунги кунда кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, зироатчилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарларни ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда интернетнинг тақомиллашиш бораётгани, янги ахборот технологияларининг ривожланаётгани бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо этаётир.



АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ

юксалишининг ҳуқуқий асослари тақомиллашмоқда

Бунда, албатта, яқинда кучга кирган “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг аҳамияти катта.

Шу ўринда мазкур Қонунни қабул қилишга туртки берган омиллар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Маълумки, бугун юртимизда 12 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасалари фаолият юритмоқда. Айни пайтда, гарчи ахборот-кутубхоналар фаолиятида хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинган бўлса-да, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик етарли даражада тақомиллашмаганиги кўзга ташланаётган эди. Ўйни ҳар бир ахборот-кутубхона муассасаси ўз бўлиганича иш юритар, тизим фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби йўлга қўйилмаганди. Шу билан бирга, соҳанинг ҳуқуқий асослари зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солиниб, унинг қонуний асослари яратилишига эҳтиёж бор эди.

Қонуннинг кучга кириши ахборот-кутубхона муассасаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, фондини тўлдирish, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, айниқса, айрим тоифадаги фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг, хусусан, жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ресурсларини махсус ахборот манбаларидан олиш, ихтисослаштирилган техник воситаларни етказиб бериш ва улардан фойдаланиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратишни кафолатлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қонун ахборот-кутубхона соҳасида давлат сиёсатини бел-

гилаш ва бундай муассасалар фаолиятини давлат томонидан бошқариш механизмларини татибқ этади. Хусусан, илгари кузатилган бир қатор камчиликларга барҳам бериш мақсадида ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган давлат органи томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги давлат сиёсати амалга оши-

Қонун кучга кирди

рилишини таъминлаб, бу борадаги давлат дастурларини тасдиқлайди. Айни чоғда соҳа учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Махсус ваколатли давлат органи эса ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишида иштирок этиб, давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда бажаради. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни таъминлайди, ахборот-кутубхона муассасалари ҳисобини юритади.

Бугунги кунда мазкур Қонун нормаларини амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунонинг, Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги қарори билан 2011 — 2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялар базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмати кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди. Унга асосан, 2011 — 2015 йилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон фондини шакллантириш, республикада интеграллашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш, ахборот-кутубхона муассасалари

моддий-техник ва ҳуқуқий меъёрий базасини тақомиллаштириш бўйича дастур қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда бир қатор йўналишларда устувор вазифалар белгилаб олинган. Хусусан, дастурда ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий базасини тақомиллаштириш, шу жумладан, 2011 йилнинг ўзида интеграллашган ахборот-кутубхона тармоғи ҳамда электрон кутубхона бўйича стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг намунавий низомини тасдиқлаш белгиланган. Айни пайтда ахборот-кутубхона муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва фаолиятга татибқ этиш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Буларнинг барчаси, табиийки, “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижросини сўзсиз таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Қонун ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада фаоллаштириш масалаларини қамраб олиб, бу соҳадаги фаолиятни жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришга замин яратяди. Шу билан бирга, у аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг янги турини шакллантириш, кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марчаси сифатида янги макомини белгилаш, уларнинг миллий ва жаҳон ахборот ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашда асосий ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажаради.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот ва коммуникация
технологиялари масалалари
қўмитаси аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда давлат ўртасида ижтимоий шерикликини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда қуйи палата депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда бошқа ташкилот ва идора ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омилidir

ларининг жадал ривожланишига эришиш, уларнинг мамлакатимизда рўйбга чиқарилаётган ислохотларнинг очиқ-ошқоралиги ва самарадорлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришда муҳим ўрин тутаяди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар

ликни юксалтиришга хизмат қилади. Зеро, “учинчи сектор” билан давлат тузилмалари ўртасидаги ўзаро ижтимоий шериклик миллий мақсадларимиз билан тўла уйғундир, дейди у.

— Аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамisha долзарб бўлиб келган, дея фикр билдирди “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси вакили К. Ҳамидова. — “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ана шу жиҳатларни тўла қамраб олиши билан ғоятда аҳамиятлидир.

— Бозор иқтисодиёти нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаб олишни тақозо этади, — дейди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси А. Шодмонов. — Бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш эса, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи ҳамда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда айнаи муддаосидир. Ўйни янги қонун лойиҳаси бир вақтнинг ўзида ишбилармонлар ва истеъмолчилар манфаатлари муштараклигини таъминлайди.

Давра суҳбати давомида кўриб чиқилган масала юзасидан тавсия ва хулосалар билдирилди.

Самиджон МАХСУМОВ.

ДЎСТЛИК НАВОЛАРИ ЯНГРАДИ

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллатлараро тотувлигини янада мустаҳкамлаш, турли миллат ва элат вакилларининг осуда ва фаровон яшаш учун барча шарт-шароит яратилган. Айни пайтда диёримизда бир юз ўттизга яқин миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади.

Миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштиришда, миллатлараро дўстлик, ҳам-жиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашда республика Байналминнал маданий марказининг муносиби ўрни бор. Барчамиз учун энг улғу, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида марказ томонидан юртимизнинг барча тўшлариди турли маданий-маърифий тадбирлар, дўстлик фестиваллари, концертлар ташкил этилмоқда. Пойтахтимиздаги “Истиқлол” санъат саройида республика Байналминнал маданий маркази ҳамда Қозғистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган “Айтишув — 2011” халқаро оқинлар айтишуви ана шундай тадбирлардан биридир.

Тадбирда сўзга чиққан республика Байналминнал маданият маркази раҳбари Насриддин Мухаммадиев, Қозғистоннинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Борибай Жексембин ва бошқалар Президентимиз раҳнамоллигида мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувлигини таъминлаш таъмолийларига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

— Ҳазор маданий алоқаларни кучайтириш мақсадида ташкил этилган марказимиз барча байрамларда, маданий-маърифий тадбирларда, фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди Қозғқ миллий маданият маркази раҳбари Марат Юсубов. — Истиқлолимизнинг 20 йиллиги олдидан ўтказилган “Айтишув — 2011” халқаро оқинлар айтишувида мамлакатимиз вакиллари билан бирга, Қозғистон ҳамда Мўғулистондан ташриф буюрган оқинлар ҳам иштирок этишди.

Тадбир якунида “Айтишув — 2011” танловни Ган-приси қозғистонлик оқин Айну Турсунбоевага насиб этди ва унга бош соврин — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган “Chevrolet Spark” автомобили топширилди. Ўзбекистонлик оқин Қулмаҳам Дўйсенов ҳамда қозғистонлик оқин Карима Уролова биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Омонулло ФАЙЗИЕВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёнини тартибга солидиган, қонун ҳужжатларининг сифатини юқори даражага кўтаришга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий база яратилган. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонулар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонуларни санаб ўтиш мумкин.

Конституцияда қонунчилик ташаббуси субъектлари белгилаб қўйилган ва мазкур ҳуқуқнинг қандай амалга оширилиши аниқланди. Бундан ташқари, қонуннинг қай тартибда қабул қилиниши ҳамда унинг кучга кириш шартлари ҳам ўрнатилди.

2000 йил 14 декабрда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёнини тақомиллаштиришнинг навбатдаги босқичи бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси, турлари ва уларга қўйилган асосий талаблар белгилаб қўйилди, қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишга қаратилган қатор нормалар ўрнатилди. Чунонинг, ушбу Қонуннинг 16-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган лойиҳа мавзуга оид қонун ҳужжатларининг қўлланаш тажрибасини ўрганиши ва ҳисобга олиши, ҳуқуқий тартибга солишга бўлган жамоатчилик эъти-

ёғини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаши лозим. Қонуннинг 19-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан қўйилмадиган талаблар белгиланган бўлиб, улар қонун ҳужжатининг барча томонидан бир хилда

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга

ва аниқ тушунилиши ҳамда ижро қилинишини таъминлайди.

Бундан ташқари, Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қандай тартибда тайёрлаш кераклиги, лойиҳага қўйилмадиган талаблар, юридик экспертиза ва бошқа турдаги экспертизаларни ўтказиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши масалалари ўз ифодасини топган.

Қонулар қабул қилиниши жараёни тақомиллашувининг навбатдаги босқичи 2005 йилдан мамлакатимизда икки палатали парламент тизими шаклланиши билан боғлиқ. Икки палатали парламент тизими қонун ижодкорлиги фаолиятининг янада ривожланишига хизмат қилди. Бинобарин, парламентнинг қуйи палатаси — Қонунчилик палатасининг профессионал равишда, доимий асосда ишлаши қонуларнинг яна-да пухта, мукамал бўлишини таъ-

минлади. Қонунчилик палатасига киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси 3 ўқшда кўриб чиқилиб, муҳокамалар мобайнида депутатларнинг тақлифлари, фикрлари билан мукамал қўринишга келадиган бўлди.

Албатта, жамият ҳаёти мунтазам ривожланиб, янгиланиб боради.

лар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийлигини таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

Албатта, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрири лойиҳасида қонун ижодкорлиги самарадорлигини янада оширишга қаратилган қатор нормаларни назарда тутиш лозим. Айниқса, қонуности ҳужжатларининг қабул қилинишига оид талабларни уларнинг қонуларга мувофиқлигини таъминлаш нуктаи назаридан қўнайитириш мақсадаги мувофиқ. Шу ўринда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши тақомиллаштириб, бу ваколат уларга фақат қонулар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорлари, қарорлари ва фармоишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармоишларида бевосита берилган ҳолларда норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишдаги мумкинлигини белгилаш мақсадаги мувофиқ.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг амалга кириши муддатини аниқлашда юзага келадиган тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида, янги қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавтуботда эълон қилинган кундан, агарда уларда бундан кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, кучга киришини белгилаб қўйиш лозим.

Юқорида кўрсатилган Концепцияда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш демократик ўзгаришларини янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, фикримизча, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш мумкинлиги тўғрисидаги норманинг аниқ механизмларини янги қонун лойиҳасида белгилаб қўйиш, мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, мустақил олимлар ва мутахассисларнинг жалб этилишини назарда тутиш мақсадаги мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кўрсатилган қонуннинг қабул қилиниши қонун устуворлиги принципини таъминлашнинг янги механизмларини яратишга, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар томонлама пишиқ ва пухталигини таъминлашга, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Нодиржон ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги қонунчилик
бош бошқармаси бошлиғи.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СИРДАРЁликлар бу кутлуг айёми бугунги бахтли, фаровон кунларга шуқроналик ҳис-туйғулари билан кутиб олдилар. Гулистондаги Хотира майдонида йиғилганларни вилоят ҳокими О. Ашурматов ушбу байрам билан муборакбод этди. Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар, вилоят кенгаши депутатлари, қорхона ва ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари ўтганлар ёдига ўз эҳтиромларини билдирдилар. Шу кунни Гулистондаги “Зомин” тўйхонасида фахрийлар учун дастурхон ёзилди.

— Шундай бахтли кунларга соғ-саломат етиб келишининг ўзи бир бахт, — дейди уруш фахрийси, янгирерлик Людмила Фёдорова. — Бугунги тинчликни қадрлайлик. Ўзбекистон — умумий уйимиз. Бу менинг Ватаним, бу ерда барча миллат ва элат вакиллари ахил-инок бўлиб яшамокда. Мана шундай тотувлиқнинг бошида турган муҳтарам

Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

НАВОЙИ вилоятидаги байрам тадбирлари Кармана туманида жойлашган Қосим Шайх мажмуида бўлиб ўтди. Бу ерга йиғил-

ота Усмонов. — Бу дунёда биздан қоладигани фақат ахилик, хайрли амалларимиздир. Шу маънода, мен Юртбошимизга ташаккурлар айтман. У киши бизнинг қадримизни бениҳоя

эъозлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш тадбирлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам давом эттирилди. Хусусан байрам кунлари Самарқанд шаҳридаги Саховат уйи ва

Умарова. — Қалбимиз доимо фахр ва ифтихорга тўла.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида

овқат, саноат моллари ва совғалар бериш, саломатлигини тиклашлари учун сиҳатҳохларга йўлланмалар, дори-дармонлар ажратиш, тарихий шаҳарларга сафар ва зиёратларини уюшти-

ришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунига ушбу майдонга келиб, “Хотира китоби”ни варақлайман ва у ерга зарҳал ҳарфлар билан битилган отам ҳамда акамнинг исмларини ўқиб, улар билан дийдорлашгандек таскин топанам, — дейди нафақадаги фахрий Чўлпон опа Султонова. — Бу ўтганлар ёди унутилмаслигини, ота-бобаларимизнинг

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар, шунингдек, Хоразм, Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент вилоятларида ҳам алоҳида кўтаринчилик билан ўтказилди.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қишлоққа зилол сув келди

ҚАШҚАДАРЁ. Қашаши туманида 50 километрлик масофага қувур тортилиш натижасида 11 қишлоқда яшаётган 10 минг нафарга яқин аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби қондирилди.

Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида амалга оширилган ушбу бунёдкорлик ишлари учун 1,9 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Таъкидлаш ўринлики, ҳозир мазкур лойиҳа асосида Қашаши ва Қосон туманларидаги 7 та ичимлик суви тарқатиш иншоотларида қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Ҳозиргача шундан 4 та иншоот фойдаланишга топширилди.

Аҳход МАҲАММАДИЕВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Вангози картонлари

НАВОЙИ. Қизилтепа туманидаги “Вангози картон экспорт” масъулияти чекланган жамияти томонидан картон ва картон қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Банкдан олинган 50 миллион сўмлик кредит ва 70 миллион сўмлик шахсий жамғарма ҳисобидан хориждан энг замонавий технология келтирилди. Қорхонада фаолият бошлаган 10 нафар вангозилек ёшлар хориқ технологиясини тезда ўзлаштириб олдилар. Ҳозир қорхонада кунига 5000 донагача тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Азизмат САФАРОВ.

Ҳам сифатли, ҳам арзон

СУРХОНДАРЁ. Термиз туманидаги “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясига қарашли “Наврўз” чорвачилик-наслиқлик мажмуида сутни қайта ишлашга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди.

Айни пайтда 10 киши меҳнат қилаётган мазкур қорхонада кунига 2 тоннага яқин сут қайта ишланиб, 9 турда маҳсулот тайёрланмоқда. Хом ашё мажмуанинг ўзидан чиқаётганлиги маҳсулот таннаҳрининг арзонлигини таъминлаётир.

Таъкидлаш керакки, чиройли ишлашга қадоқланаётган сут маҳсулотлари ички бозорда тезда истеъмолчилар эътиборини тортиди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

жасорати беиз кетмаганлиги ифодасидир.

Дарҳақиқат, уруш қўрган, унинг заҳматини чеккан инсонларнинг ҳар сўзидан ҳикмат топасиз, ҳар каломидан ибрат оласиз. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, биз ана шу юртдошларимиз олдида умрбод қарздоримиз. Биз бу фидойий инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар кун, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур. Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, баҳоли қудрат узайтиришга, мазмунли қилишга, бунинг учун барча шароитни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз керак. Зеро, бу ҳар бири-мизнинг кундалик бурчимиздир.

“Халқ сўзи” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАЛБ ЧИРОҒИ СЎНМАГАЙ

Инсон хотираси қалбларимизда яшайди. Биз ўз салафларининг руҳини азиз билган, уларнинг жасорати, мероси ва ибратини қадрлайдиган халқмиз. Пир у бадавлат боболаримиз ва момоларимизни, кексалик кутблари узра қадам ташлаётган ота-оналаримизни ҳар тонг ширин калом билан сийлашни, имкон қадар уларнинг иссиқ-совуғидан бохабар бўлишни, танларига дармон, дилларига қувват, кўзларига нур бахш этишни ҳаётимиз мазмуни, деб биламиз. Айниқса, қийин кечмишлар чигиригидан омон чиққан, шуур-иродаси метин-мустаҳкам инсонларга ҳурмат-эҳтиромимиз янаям юксак.

Республика "Нуроний" жамғармаси Сурхондарё бўлими раиси Орзикул Соатовнинг айтишича, Иккинчи жаҳон уруши жангларида вилоятдан 44377 киши қатнашган. Шулардан 13613 таси эса юртга қайтмаган.

Қумкўрғон туманидаги ҳозирги Янгикшилоқ маҳалласида яшаб ўтган Омон момо Рўзиева урушга Жўра, Тўра, Хўжаназар исмили учта нақирон ўғлонини кузатди. Белини маҳкам боғлаб далада ишлади. "Дадам қани, қаёққа кетган, қачон келади", деб хархаша қиладиган невараларини юпатиб боқди. Кечалари шамчирок ёруғида ўғилларининг номини битиб жундан пайтава, кўлкуп тўкиб, фронтга қўнатди. Ҳали уйланмаган кенжа ўғлига атаб сеп-сарполар тахлади. Омон момо қоракхатларига ишонмади. Беш, ўн, йигирма йил йўл қаради. Ўғиллари қайтмади. Биттагинасиям қайтмади. Ўғилларим тирик, барҳаёт деган илинжни у ўзи билан бирга олиб кетди.

Ҳамқишлоқлари момонинг ана шу масрур илинжини кўзларига ёш олиб эслайдилар. Қадрлайдилар. Бугунги кунга келиб момонинг неваралари ҳам қариб қолди. Бироқ меҳр-оқибат, йўқлов, қадрлаш туйғуси қариган эмас. Қаримайди ҳам. Бугун энди чеваралар, эваралар минг бир жон соҳибаси Омон момонинг, умри хазон бўлган боболарининг чироғини ёқиб

лозимлигини ўзларининг фарзандлик бурчлари, деб биладилар. Ахир шажара — кўрғон. Давомият, абадият кўрғони.

Термиз шаҳрининг ёши юзга яқинлашиб қолган фуқароси

Эъзоз

Сойиб бобо Рўзиев эса шажарани зангламайдиган, замон ва макон синовларига бардош берадиган, хотира ҳамда қадрлаш сеҳри билан тобора сайқал топиб бораверадиган олтин халқа, деб тушунади.

— Биз тегирмонларнинг чигириқларидан тирик чиққан, кўрқиш ва иккиланишлардан кўра ботирлиқни афзал билган авлодимиз, — дейди нуроний отахон. — Бутун халқимизнинг табиятига хос бўлган бу фазилатларимиз мустақиллигимиз шарофатидан, Юртбошимизнинг олижаноб химматларидан қадр толгани бизга гурур ва ифтихор, вужудимизга куч-қувват бағишлайди.

— Ёши улуг отахону онахонлар билан суҳбатлашганда, қалбинг самимиятга юз тутайди, — дейди Орзикул Соатов. — Шу боис ёш авлодни нафақат арафада, балки бошқа кунлари ҳам бутун жамоатчилик бўлиб фахрийлар ҳолидан хабар олишга ундаймиз. Кексаларга дори-дармон қўйишлари улашिलाди, зарурат туғилса, ногиронлик аравачалари билан таъминланади. Бундай самимий ҳаракатлар эса одамларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг янада мустаҳкамланишини таъминлайди.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шукрона

— Бугунги дориламон кунларни, тинч ва осуда ҳаётни орзу қилган тенгдошларимиз кўп эди, — дейди Пахтакор туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Нурқобил Сафарқулов. — Шукрки, мен истиклол кунларига, тинч ва фаровон дамларга етиб келдим. Мана, 20 йилдирки, давлатимиз ва халқимиз эъзозидида озошлик завқи билан яшайман. Тарозининг бир палласига истиқлолчана бўлган 70 йиллик умримни қўйиб, иккинчи палласига 20 йилни қўйсам, иккинчи тараф қадрли кўринади мен учун.

Негаки, бу йилларда биз озод ва обод Ватанимизда, Юртбошимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатаётган ғамхўрлигию эътибори, иззат-икрому чексиз ҳурмати оғушида қалбдан ёшариб, ҳаётга муваббат билан яшаймиз...

Бу — нафақат 91 ёшли Нурқобил бобонинг, балки Жиззах вилоятида истикомат қилаётган 262 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва минглаб меҳнат фахрийларининг дил изҳоридир. Зеро, улар бугунги мустақил ва эркин ҳаётда аждоқларимизнинг улкан меросига муносиб ворис бўладиган, баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган эзгу ишларда маслақдош ва дуоғўй бўлишадиган бениҳоя хурсанд.

— Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбат-

лантириш тўғрисида"ги Фармони фахрийларимизнинг хурсандчилигига хурсандчилик қўшиб, кўнгилларини тоғдек кўтарди, —

муассасалари билан ҳамкорликда юрт тинчлиги, эл маъмуричилиги йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимиз билан

МЕҲР-ОҚИБАТ МУЖАССАМ

дейди "Нуроний" жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси Норкул Нушаров. — Гап маблағда эмас, кўнгилда. Инсон қалбига қувонч улаштиришдан ортиқ саодат бормикан дунёда?! Фахрийларимизнинг уйларига бориб, маҳаллий ҳокимликлар, ҳукуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида тантанали ва байрамона ваъзиятда мукофотни топширмақдамиз. Улар учун дастурхон атрофида тантанали тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, жамоат ташкилотлари, таълим

ёшларнинг учрашувлари уюштирилмоқда. Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан жойларда ўтказилаётган ана шундай учрашувлар ва кечаларда тинчликнинг қадрли, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ва бугунги дориламон кунлар шуккухи ҳақида ибратомуз фикрлар билдирилмоқда.

Дарҳақиқат, ёши улуг кишиларга маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар томонидан мунтазам моддий ва маънавий ёрдамлар берилиб, алоҳида ҳурмат ва эъзоз кўрсатиб келина-

япти. Мисол учун айтадиган бўлсак, биргина ҳомийлар томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилган фуқаролар, пенсияонерлар ва ёлғиз қарияларга 132 миллион соҳулик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 54 нафар киши ногиронлик аравачаси, 20 нафари эшитиш мосламаси, 21 нафари қўлтиктаёқ билан таъминланди. Вилоятдаги "Қариялар пансионати"да 500 нафар, марказий сихатгоҳларда 250 нафар кекса

пенсионер ва ногиронлар соғломлаштирилди.

Буларнинг барчаси уруш ва меҳнат фахрийларининг, аввало, давлатимиз, қолаверса, бутун халқимизнинг эъзозидида эканлигидан далolat беради. Аслида уларни ҳар қанча ҳурмат қилсак, ҳар қанча эъзозласак, шунча оз. Зеро, бу кун инсоний туйғуларни, меҳр-оқибатни ўзида мужассам этадиган ватанпарварлик, мардлик ва матонат байрамидир.

Улугбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунларида бағишланган мажлисидаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш масаласига эътибор қаратиб, бу борада келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида алоҳида тўхталган эди. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида Юртбошимиз белгилаб берган вазифалар асосида муайян ишлар олиб борилмақда.

Вазирлик ташаббуси билан пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Бандлиқни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу йўналишда белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш механизми" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шулар хусусида маълумот берилди.

Таъкидландики, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ, ўтган уч ой давомида амалга оширилган тадбирлар натижасида 219 минг киши муқим иш жойига эга бўлди. Иш ўринларининг 11,5 мингтаси йирик корхоналарни барпо этиш, мавжудларини кенгайтириш, 75,5 мингтаси кичик корхоналар ташкил қилиш, 62 мингдан зиёди паррандачи-

лик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали яратилди. Масалан, "Навоий" эркин индустриал-интисодий зонаси ҳудудида 5 та корхонанинг ташкил этилиши тўғрисида 200 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар ишга жалб этилган бўлса, Зангиота, Избоскан туманларида янги корхоналарнинг фойдаланишга топширилиши 530 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шарт-шароит ҳамда имтиёзлар фуқароларнинг ишбилармонлик қobiliятларини юзага чиқариб, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминламоқда. Бу эса, ўз

Бандлик

лик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали яратилди. Масалан, "Навоий" эркин индустриал-интисодий зонаси ҳудудида 5 та корхонанинг ташкил этилиши тўғрисида 200 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар ишга жалб этилган бўлса, Зангиота, Избоскан туманларида янги корхоналарнинг фойдаланишга топширилиши 530 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шарт-шароит ҳамда имтиёзлар фуқароларнинг ишбилармонлик қobiliятларини юзага чиқариб, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминламоқда. Бу эса, ўз

навбатиди, иш ўринлари қўна-йишига хизмат қилаётди.

Маълумотларга қараганда, жорий йилда республикамиз касб-хунар коллежларини 430 минг нафар ўқувчи битиради. Шунинг хисобига олиб, уларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш учун 102 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларда "коллежкорхона" тизими яратилган ҳолда, уларда ҳозирдан оқ битирувчиларнинг амалиёт билан шуғулланишлари йўлга қўйилди. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Аммо ушбу йўналишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, тахлиллар 32 та туманда меҳнат бозори яхши ташкил этилмаганлигини кўрсатмоқда. Шу боис бу жойларда аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросига тўлиқ эришиш зарурлиги қайд этилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дил сўзи

Қирчиллама йигит чоғимда урушга отландим. Кетмон тутиб, меҳнатда қаварган кўлларимда қурол ушлаб, жанггоҳларга кирдим. Бало-қазо кўпдан жойлардан омон қолиб, қадрдон юртимга қайтиб келгач, бутун умримни деҳқончиликка бағишладим. Ҳалол меҳнатдан қадр топдим. Юртга содиқ фарзандлар ўстириб, уларнинг камолидан қувондим.

ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЗАВҚИ

Аммо инсонларга кўрсатилаётган самимий эҳтиром ва ғамхўрликни мана энди ҳис қилаёман. Очғи, одамнинг қорни бир бурда нонга ҳам тўяди. Бироқ дунёда яхши сўз, меҳр ва эътибор сингари тушунчалар борки, буларсиз қанчалик бадавлат бўлмган, кўнгил ғариб бўлиб қолаверарди. Бугун элнинг мен каби ҳар бир қарияси қўлини дуога очиб, юртимиз доимо тинч ва фаровон бўлсин, дея чин дилдан тилак билдиришмоқда.

Ёшим 90 га етди. Умрининг ҳою-ҳавас қиладиган даврини аллақачон ортда қолдирган мен каби нуроний ҳар қандай воқеликка теран кўз билан боқиб, ҳаққоний баҳо беради. Бугун ўғлим Сирожидин бошқараётган, менинг номим билан аталадиган "Жумабой Аллашов" фермер хўжалигида қўлга киритилаётган ютуқлар, Юртбошимизнинг фермерларга, тадбиркорларга яратиб бераётган шароитларидан чексиз хурсанд бўламан.

Ёшларга насиҳатим шуки, Президентимизга, Ватанга садоқатли бўлиб, мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида фидойиларча хизмат қилишдан ҳеч қачон толманг.


Жумабой АЛЛАШОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.
Қонлиқўл тумани

9 май —

Хотира ва қадрлаш кун

муносабати билан барчангизни самимий муборакбод этамиз!

Эъзоз, инсонийлик, меҳр-оқибат, шукроналик, осойишталик кунларимизнинг роҳат-фароғатидан мамнунлик, тинчлик ва тириклик ҳақиқа дуолар ўқиладиган шу кунларда юртимиз осмони мусаффо, тинчлигимиз барқарор бўлишини тилаб қоламиз!



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзининг қуйидаги корхоналар устав фондларидаги 100% улушини, шунингдек, банк мулкани сотиш бўйича кимошди савдолари ўтказилишини эълон қилади.

1. «AZIA AYS» МЧЖ — корхона музқаймоқ ишлаб чиқаради ва у қуйидагилардан иборат:

- музқаймоқ ишлаб чиқариш ускунаси («Тетра Пак Хойер» — Дания), қуввати — йилига 594,36 тонна;
- ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар, Умумий майдони — 0,17 гектар. Улар 0,33 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.

Корхона манзили: **Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.**

2. «AZIA BISKVIT» МЧЖ — корхона печенье, вафли, картошка чипслари ишлаб чиқаришди ва у қуйидагилардан иборат:

- печенье ишлаб чиқариш ускунаси («Imafarini Inf. S.p.a.» — Италия), қуввати — йилига 1 560 тонна;
- картошка чипслари ишлаб чиқариш ускунаси («Levati» — Италия), қуввати — йилига 75 тонна;
- вафли ишлаб чиқариш ускунаси («HAAS Waffelmaschinen» — Австрия), қуввати — йилига 300 тонна;
- ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар, Умумий майдони — 1,2 гектар. Улар 2,76 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.

Корхона манзили: **Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси.**

3. «NUROTAMARBLE» МЧЖ — корхона мрамар плиталар ишлаб чиқаради ва у қуйидагилардан иборат:

- мрамар плиталар ишлаб чиқариш ускунаси («Педрини» — Италия), қуввати — йилига 42 000 кв.м.;
- омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар, умумий майдони — 0,22 гектар. Улар 33,3 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.

Корхона манзили: **Навоий вилояти, Нурота шаҳри, Карьерная кўчаси, 1-уй.**

4. «VODI MUZQAYMOQ'I» МЧЖ — корхона музқаймоқ ишлаб чиқаради ва у қуйидагилардан иборат:

- музқаймоқ ишлаб чиқариш ускунаси («Тетра Пак Хойер» — Дания), қуввати — йилига 1029,6 тонна;
- ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар, умумий майдони — 0,15 гектар. Улар 1,4 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.

Корхона манзили: **Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 6-уй.**

5. «KESHMARBLE» МЧЖ — корхона мрамар плиталар ишлаб чиқаради ва у қуйидагилардан иборат:

- тошни қайта ишлаш ускунаси («Tema Frugoli» — Италия), кон қазиш (карьер) ускунаси («Техно-Granit» — Италия) ҳамда тош майдалаш ускунаси (Россия), қуввати — йилига 40 000 кв.м. мрамар плита;
- ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар, умумий майдони — 7,1 гектар. Улар 161,6 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.

Корхона манзили: **Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Н. Нугаев кўчаси, 11-уй.**

6. «GAZALKENT STONE» МЧЖ — корхона мрамар плиталар ишлаб чиқаради ва у қуйидагилардан иборат:

- тошни қайта ишлаш ускунаси («Breton» — Италия), гранит ва мрамар блоклар олиш ускунаси («Teleslar», «Kaiser», «Hercules» Германия), қуввати — йилига 60 000 кв.м.;
- ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар, умумий майдони — 1,84 гектар. Улар 17,1 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.

Корхона манзили: **Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Мраморная кўчаси, 1-уй.**

7. «NAMANGAN QOG'OZI» МЧЖ — корхона қоғоз ишлаб чиқаради ва қуйидагилардан иборат:

- қоғоз ишлаб чиқариш ускунаси («Goebel Darmstadt» — Германия, «Dorries» — Швеция), қуввати — йилига 4 992 тонна;
- ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва иншоотлар, умумий майдони — 0,6 гектар. Улар 1,71 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.

Корхона манзили: **Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қуврвчилар кўчаси, 50-уй.**

8. Собик «Ўзолмонхотелз» ҚҚнинг ишлаб чиқариш базаси, у қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш, омбор ҳамда ёрдамчи бинолар ва иншоотлар, умумий майдони — 0,4 гектар. Улар 1,5 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган.

Корхона манзили: **Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги Юнусобод кўчаси, 7-«А» уй.**

Қўшимча ахборот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 55-уй, Давлат мулки кўмитасининг биноси, «Respublika mulk-auksioni» ДК. Телефон: (8-371) 239-83-82. Факс: (8-371) 150-34-46. E-mail: info@mulk.uz

...Уч ёшида отасидан, ўн ёшида онасидан айрилган Муталнинг бор умиди акиси Мисбоҳ ҳамда амакиларидан эди. Аммо тақдирнинг ёзиғини қарангки, қисмат унга бу ақилларини ҳам кўп кўрди. Аксини 1933 йилда қамоққа олишиб, тўрт йилдан сўнг отиб ташлашди. Мисбоҳ ўшанда эндиgina 32 ёшга кирганди. Журналист, ёзувчи, жамоат арбоби саналган уч амакисини ҳам 1937 йилда қамашиб, “халқ душмани” деган тағма остида қатл этишди.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ИЖОД

Оиласи бошига тушган шунча кўргиликни у қандоқ кўтарган экан, деб баъзан ўйлиниб қоласан, киши. Мустабид тузум чангалидан бу ноёб истеъдод эгасининг омон қолганлиги эҳтимолки, тақдирнинг бир инояти, мусиқа санъатимизнинг бахтидир...

Муталда санъатга меҳр болалигидан туғилган. Амакиси Мукамил Бурхоновнинг уйида машҳур ҳофиз Ҳалим Обидов, танбурчи Абдурахмон Умаров, шоир Пайрав Сулаймоний иштирокида мусиқий кечалар ташкил этилар, хонанинг бир чеккасида чамаси етти-саккиз ёшли бола — Мутал ўтирарди. Йиллар ўтди. Кейинчалик у ўшанда амакиси кичик бир танбур ҳада қилганини ажиб соғинч билан эслайди.

Кўплаб санъат билим-донларидан сабоқ олган қахрамониимиз ўзининг дастлабки романсини ёзиб, эл назарига тушганида, эндиgina 19 ёшга кирган эди.

Йиллар ўтиб, Ўзбекистон Юртбошимиз раҳнаомлигида мустақилликка эришди. Табиийки, истиклолга мос Давлат мадҳия-

сига эҳтиёж туғилди. Танловга киририлган ижодий ишлар рўйхатида Мутал Бурхоновнинг ватанпарварлик ва мардона руҳ билан суғорилган мусиқаси ҳам бор эди. “Биз Абдуллажон (Орипов) билан неча ҳафта давомида

Соғинч

ҳар бир оҳанг, ҳар бир бўғин устида машаққат билан ишладик, — дея ёзиб қолдирган Мутал Бурхонов ўзининг “Кўнгил хазинаси” деб номланган хотиралар китобида. — Меҳнат зое кетмади. Янги эълон қилинган танлов қатнашчиси сифатида мустақил давлатимиз парламентида ўтирар эканман, қалбим гурурга тўла эди. Чунки шу мусиқа барчанинг қалбидан жой олишига ишонардим. Мусиқанинг ярмига келганда олқишлар бошланди. Залдагиларнинг туйғуларини ажиб бир оҳанг ва ҳаяжон билан Юртбошимиз ихчам ифодаб бердилар: “Мен қаерда, қайси чет эл мамлакатларида бўлмасин, шу улугвор мадҳия янраганида, вужудим жимирлаб кетади”.

— Спорт туфайли дунёнинг ўнлаб мамлакатларида бўлиб, кўплаб нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини нуносиб ҳимоя қилиб келаяпман, — дейди моҳир полвон, дзюдо бўйлача жаҳон чемпиони, йирик халқаро тур-

нирлар қолиби Ришод Собиров. — Ҳар гал бир нарсанга ишонч ҳосил қиламан. Яъни ҳеч бир давлат мадҳияси бизниқичалик жанрангдор ва тантанавор, жозибали эмас. Уни тинглаганимда, кучимга куч қўшилади, Ўзбекистон фарзанди эканимдан гурурланиб кетаман.

асраб-авайлашга даъват этади.

— Мутал Бурхонов “Табассум қилмадинг ҳеч” романи, “Алишер Навоийга қасида”, “Алишер Навоий” операси билан мусиқий навоийномага асос солган, — дейди бухоролик олим Аҳмад Баҳриев. — Унинг “Мафтунингман”, “Сурайё” каби фильмларга ёзган мусиқалари ҳило-хануз халқимиз томонидан севиб тингланади. Ўзбекистон мусиқа тарихида Мутал Бурхонов биринчи бўлиб яккахон, хор ва симфоник оркестр учун беш қисмли “Абадий хотира” номли реквием ҳам яратган.

Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Мутал Бурхонов ҳаёт бўлганида, шу кунларда 95 ёшни қаршилаган бўлур эди. Тириклигдаёқ мусиқа бўстонида ўзига ҳайкал қўйиб кетган бу катта иқтидор эгасининг номи халқимиз ёдида. Бухорода у яшаган уй музейга айлантирилган. Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументида унинг номи бу қадимий заминда камол топиб, эл-юрт маданияти, санъати равнақи-га улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ юртдошларимиз каторида зарҳал ҳарфлар билан битилган. Зеро, улуг юртини мадҳ этган бастакор хотираси ҳаммаша қалбларда!

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ҒАМХЎРЛИК ҒУРУР БАХШ ЭТАДИ

Ёши улуг отахону онахонларни кўрганда, уларнинг сўхбатига ошиқамиз. Зеро, ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган, аччиқ-чучугини тотган нурунийларнинг ҳар бир сўзи ёш авлод учун ибрат намунасиدير.

Андижон вилоятининг Бўз туманида- ги Насирдинбек қишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Зулфиқор Саидакбаров ҳам ана шундай пири бадавлат отахонлардан. Зулфиқор ота бугун фарзандлари бағрида кексалик гаштини сурмоқда.

— Инсон эътибор ва ғамхўрликни ҳис қилиб яшаса, ҳаётга бўлган иштиёқи янада ошади, — дейди Зулфиқор ота. — Биз, кексаларнинг ҳолидан доимо хабардор бўлиб, иззат-икром кўрсатаёт-

ган ҳамюртларимиздан, айниқса, ёшлардан жуда хурсандмиз. Оқибатли элдан осойишталик ва барака аримайди. Бу давлатимиз раҳбари Исролат отахонлардан. Зулфиқор ота бугун фарзандлари бағрида кексалик гаштини сурмоқда.

СУРАТДА: уруш ва меҳнат фахрийси Зулфиқор Саидакбаров ёшлар даврасида.

Хурсандбек АРАББОВЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Ибрат

Каримов узокни кўзлаб юритаётган оқилна сиёсатнинг амалдаги самараларидандир.

СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАР

Янгибозор туманида кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Истиқлол” корхонаси фаолият бошлади.

Яхши хабар

Тадбиркор Баҳром Каримов ушбу хайрли мақсад учун 100 миллион сўм маблағ эвазига 60 та замонавий тикув дастгоҳини келтириб ўрнатди. Ҳозир бу ерда меҳнат қилаётган 45 нафар чевар томонидан 40 турга яқин бежирим либослар тайёрланаётир. Корхона жамоаси йил охиригача 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб беришни режалаштирмоқда.

Эътиборлиси, ўтган йили Янгибозор туманидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 21 миллиард 530 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ўз акциядорлари ва mijozларига, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, пластик карточка эгалари ҳамда омонатчиларга уларнинг банк фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаатларини тезкор қабул қилиш мақсадида қўйидаги

«Ишонч телефони»

(+99871) 150-10-01

ташкил этилганлигини маълум қилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

e-mail: info@qqb.uz www.qishloqqurilishbank.uz

Илғор технология шарофати

Қарши шаҳрида “Паризода гиламлари” хусусий корхонаси иш бошлади.

Тадбиркор Анвар Ибатов сая-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур корхона банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига хорижий илғор технологиялари билан жиҳозланди. Натижада 20 киши иш билан таъминланди. Шунингдек, ўтган қисқа муддатда бу ерда 1000 га яқин гилам тўқилиб, худуддаги савдо шохбончаларига етказиб берилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore

Тошкент шаҳридаги Сингапур Менежментни Ривожлантириш Институтини

2011 йил 14 майни

МАГИСТРАТУРА КУНИ
деб эълон қилади.

Қабул вақти 10:00 дан 17:00 гача

2011 — 2012 ўқув йилида тақдим этиладиган дастурлар:

Менежмент (Банк иши ва молия) магистри
MSc in Management (Banking & Finance)

Менежмент (Маркетинг) магистри
MSc in Management (Marketing)

100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 28-уй.
Тел.: (+998 71) 271-77-00. Факс: (+998 71) 276-90-94.
E-mail: marketing@mdis.uz www.mdis.uz

Омадли келажакка биз билан эришинг!

Эҳтиром

Навоий шаҳрида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Рўзи Чориев ҳаёти ва ижодида бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

КўНГИЛ КАМАЛАГИ

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлими, вилоят Ўлкашунослик музейи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кечада санъатшунос олимлар, фан арбоблари, рассомнинг шоғирдлари, санъат ихлосмандлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Кечада санъатшунос олимларнинг рассом ҳаёти ва ижодида оид маърузалари тингланди. Шу кун Р. Чориев асарларидан ташкил топган кўргазма ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Шунингдек, тадбирда “Ўзбекино” Миллий агентлиги томонидан суратга олинган рассом ижодида бағишлаб “Кўнгил камалаги ёҳуд Рўзи Чориевни эслаб” ҳужжатли фильмининг ҳам намоиши бўлиб ўтди.

С. АСТАНОВ.

«ЁД ЭТАЙЛИК...»

Тошкент фотосуратлар уйида Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан “Ёд этайлик...” деб номланган фотосуратлар кўргазмаси очилди.

Унда ўтган асрнинг иккинчи ярми ва асримиз бошларида яшаб ижод қилган фоторассомларнинг энг сара асарлари намоиш этилмоқда. Кўргазма экспозициясидан ўзбек фотографияси тарихида илк саҳифани очган фото ва кино устаси Худойберди Девоновнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллаган. Шунингдек, кўргазмада юртимизда яшаб ижод қилган Д. Михайлов, В. Ермаков, О. Зозуля, М. Богатирева сингари фоторассомларнинг она-табиат, Ватан сарҳадларини акс эттирган асарлари бор. Ўзига хос ёдном таърида ташкил этилган ушбу кўргазмада нафақат фотосуратлар, балки фоторассомлар ҳаёти ва ижодий фаолияти билан ҳам танишиш имконияти мавжуд. Тадбир 20 майга қадар давом этади.

С. ОЧИЛОВ.

Фестиваль

Ўзбекистон Давлат консерваториясида “Наврўз садолари” кўп овозли миллий чолғу ансамблларининг IV Республика фестивали бўлиб ўтди.

«НАВРЎЗ САДОЛАРИ»

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамағармаси, Бас-такорлар уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад, мамлакатимизда ўзбек миллий чолғулари кўп овозли ижрочилигини ривожлантиришга қўмаклашиш, ёшларнинг ижрочилиги маҳоратини ошириш, жойлардаги миллий чолғу ансамбллари фаолиятини жонлантириш, энг асосийси, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Икки кун давом этган фестивалда болалар кўп овозли ансамбллари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртларидаги кўп овозли ансамбллар ҳамда профессионал кўп овозли ансамбллар иштирок этди. Фестиваль давомида пойтахтимиздаги мусиқага йўналтирилган ўқув юртларида мазкур фестиваль қолибларининг концерти дастурлари уюштирилди.

Н. РАИМОВА.

Хурматли юртдошлар!



«АСАКА» банк (ОАЖ)

сизларни

«Хотира ва қадрлаш»

куни билан табриклайди ва қуйидаги янги, муддатли омонат турини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

«ЭҲТИРОМ — 2011»

Сақланиш муддати — 9 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.

«АСАКА»
БАНК (ОАЖ)
САРМОЯНГИЗНИНГ
САҚЛАНИШИ
ВА КЎЛАЙИШНИ
КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар
лицензияланган.

Ушбу омонат турларини
банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака банк» (ОАЖ) филиаллари
телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1.	Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2.	«Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3.	Шайхонтохур филиали	(371)	140-39-36
4.	Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5.	Сергели филиали	(371)	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8.	Асака филиали	(374)	233-13-69
9.	«Фарҳод» филиали	(374)	229-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11.	Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12.	Олтиариқ филиали	(373)	432-10-11
13.	Кўқон филиали	(373)	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18.	Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20.	«Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21.	Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ
ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эғалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган кўл ёзма-лар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тиждорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 19.45 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5